

УДК: 616.314-089.23-002

**ЮҚОРИ ЖАҒ ПРОТРУЗИЯЛАРИНИ ЦЕФАЛОМЕТРИК РЕНТГЕН
НАТИЖАЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ****ФОЗИЛОВ УКТАМ АБДУРАЗЗОҚОВИЧ- DSc, доцент**<https://orcid.org/0009-0009-9233-9530>**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ЎЗБЕКИСТОН. e-mail: uktam.fozilov@bsmi.uz****Аннотация**

Тадқиқот мақсади. юқори жағ протрузияларини цефалометрик рентген натижаларининг қиёсий таҳлилларини ўрганишни такомиллаштириш.

Материаллар ва усуллар. Стоматологик, клиник – стоматологик, антропометрик, папиляр-маргинал – альвеоляр индекс, оғиз бўшлиғи гигиеник индекси, кариес пломба олинган тишлар индекси, телеренгенография таҳлиллари ва статистик текширув усуллари ўтказилган.

Натижалар. Юқори жағ протрузияларини цефалометрик таххислаш ва самарали даволаш муҳим аҳамиятга эга. Эрта ёшли беморларда мезиал окклюзиянинг гнатик шаклларини тиш-жағ ажратиш қийинчилик туғдирди. Жағларнинг фаол ўсиши, тишларнинг ўзгариши билан боғлиқ тиш-жағ тизимдаги ўзгаришлар таххисни қийинлаштиради. Мезиал окклюзиянинг гнатик шаклларини аниқлашнинг асосий усули - бу латерал қисмни цефалометрик кўрсаткичлари натижаси таҳлил қилинди.

Хулоса. Ушбу гуруҳлардаги беморларни ортодонтик даволашнинг технологик жараёни аномалиянинг гнатик шаклларининг дастлабки белгиларининг мавжудлиги ёки йўқлиги билан баҳоланди. Панорамик рентгенографияга кўра, жағнинг номутаносиблиги белгиларини кўрсатган болалар – 23 нафарни ташкил этди.

Калит сўзлар: юқори жағ протрузиялари, стоматологик текширувлари, цефалометрик текширувлар, рентгенологик текширувлар.

Аннотация

Цель исследования. совершенствование изучения сравнительных анализов результатов рентгенографии головного мозга при высоких выпухах челюсти.

Материалы и методы. Были проведены стоматологический, клинко-стоматологический, антропометрический, папиллярно-маргинально-альвеолярный индексы, индекс гигиены полости рта, индекс кариозных пломб, полученные зубы, телеренгенографический анализ и статистические методы обследования.

Результаты. Важное значение имеет цефалометрическая диагностика и эффективное лечение высоких выпухов челюсти. Лечение гнатических форм мезиальной окклюзии у пациентов раннего возраста является сложной задачей. Активный рост челюстей, изменения в зубочелюстной системе, связанные с изменениями зубов, затрудняют постановку диагноза. Основным методом определения гнатических форм мезиального прикуса был анализ результата цефалометрических показателей латеральной части. Вывод. Технологический процесс ортодонтического лечения пациентов в этих группах оценивался по наличию или отсутствию ранних

признаков гнатических форм аномалии. По данным панорамной рентгенографии, детей, у которых были выявлены признаки дисбаланса челюсти – 23 человека.

Ключевые слова: высокие выступы челюсти, стоматологические обследования, цефалометрические исследования, рентгенологические исследования.

Resume.

The purpose of the study. improving the study of comparative analyses of brain X-ray results with high jaw projections.

Materials and methods. Dental, clinical and dental, anthropometric, papillary-marginal-alveolar indices, oral hygiene index, carious fillings index, teeth obtained, telerecognographic analysis and statistical examination methods were performed.

Results. Cephalometric diagnosis and effective treatment of high jaw protrusions are important. The treatment of gnathic forms of mesial occlusion in young patients is a difficult task. The active growth of the jaws and changes in the maxillary system associated with dental changes make it difficult to make a diagnosis. The main method for determining the gnathic forms of mesial occlusion was the analysis of the results of cephalometric parameters of the lateral part. Conclusion. The technological process of orthodontic treatment of patients in these groups was assessed by the presence or absence of early signs of gnathic abnormalities. According to the panoramic radiography data, there were 23 children who showed signs of jaw imbalance.

Keywords: high jaw projections, dental examinations, cephalometric examinations, X-ray examinations.

Тадқиқотнинг долзарблиги. Жаҳонда болаларда юз-жағ аномалиялари ва деформацияларини аниқлаш, эрта ва аниқ ташҳислаш, самарали ортодонтик даво усулларини яратиш, бунинг учун турли ортодонтик мосламаларни ишлаб чиқиш ҳамда ортодонтик амалиётга жорий этиш, бўйича қуйидаги қатор илмий натижалар олинган: юз-жағ аномалиялари ва деформацияларини аниқлаш ва учраш даражасини қиёсий ўрганиш, клиник, ижтимоий-иқтисодий жиҳатларини баҳолаш (Токуо Medical Dental University (Япония)); болаларда аниқланган ушбу патологиялар шаклланиши ва хавф омиллари, шунингдек, уларни эрта ташҳислаш мажмуавий усуллари ишлаб чиқилган (Universidade Federal do Rio de Janeiro) камайтириш, болалар ҳаёт сифатини ошириш борасида қўплаб ишлар қилинган (University of Ferrara (Италия)).

Бундан ташқари, Республикамизда юз-жағ аномалиялари ва деформациялари тарқалиши, ортодонтик даволаш самарадорлигини ошириш, бунинг учун турли мосламалар яратиш ҳамда уларни стоматологик амалиётга жорий этиш бўйича кенг қамровли тадқиқотлар кам ўтказилган, бу эса ўз навбатида қўплаб ушбу патологиялар кузатилган болалар ҳаёт сифатининг пастлиги, уларнинг жамиятимизга тўлақонли қўшилиб кетишига халақит бераётган омиллардан ҳисобланади [2.4.6.8.10.12.14].

Тадқиқот мақсади. юқори жағ протрузияларини цефалометрик рентген натижаларининг қиёсий таҳлилларини ўрганишни такомиллаштириш.

Материаллар ва усуллар. Стоматологик, клиник – стоматологик, антропометрик, папиляр-маргинал – альвеоляр индекс, оғиз бўшлиғи гигиеник индекси, кариес пломба олинган тишлар индекси, телеренгенография таҳлиллари ва статистик текширув усуллари ўтказилган.

Натижа ва таҳлиллар. Аниқланишича, тиш-жағ аномалияларини эрта ташҳислаш ва даволашга бўлган максимал яқин ёндошувни ишлаб чиқиш, ортодонтик бемор болаларни даволашда стабил эстетик натижани олиш ва рецидивлар сонини камайтириш бўйича салмоқли ишлар олиб борилган. Шунга қарамасдан ташҳислашнинг мавжуд усуллари етарли бўлмай, ташҳислаш ҳамда даволашнинг қўшимча усулларига бўлган қатъий заруратни юзага келтиради. Шу жиҳатдан болаларга ортодонтик ёрдам кўрсатишнинг сифат кўрсаткичларини оширишга йўналтирилган ташҳислаш ва даволаш тадбирларини ишлаб чиқиш ортодонтида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизимида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш, уни ташкил этиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда, жумладан ортодонтик ёрдам кўрсатишни тубдан такомиллаштириш, болалардаги юз-жағ аномалияларини эрта ташҳислаш ва уни асоратланган деформацияларга ўтишининг олдини олиш бўйича асосли натижалар олинган. Мамлакатимизда соғлиқ сақлаш тизими ҳамда мамлакатнинг ривожлантириш мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда аҳоли саломатлиги сақлаш, суринкали касалликларни эрта аниқлаш, самарали даволаш усуллари ишлаб ҳамда олдини олиш дастурларини амалиётга қўллаш бўйича соғлиқ сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, тиббиёт устивор йўналишларини белгилаш ва соҳа мутахассисларини тиббий малакасини ошириш мақсадлар белгиланган. Соғлиқ сақлаш тизимида белгиланган дастурларни бажариш доирасида болаларда ривожланган тиш-жағ аномалияларини самарали даволаш, деформациялар шаклланишининг олдини олиш, шу орқали улар стоматологик саломатлиги ва ҳаёт сифатини яхшилаш бўйича тадқиқотлар ўтказиш белгиланган.

Сўнгги йилларда юртимизда ортодонтия соҳасида аҳамиятли даражадаги ўзгаришлар рўй берди. Агар илгари ечиладиган аппаратлар 90% ҳолатларда қўлланилган бўлса, ҳозирги вақтда улар фақатгина 16% кузатувларда ишлатилмоқда. Бугунги кунда 84% беморларга ечилмайдиган - қотирилган аппаратлардан фойдаланган ҳолда даволаш олиб борилади. Болаларда биринчи доимий молярларнинг эрта йўқолиши, латерал тишларнинг силжиши натижасида тиш-жағ тизими деформацияларининг ривожланиши муҳим хавф омилidir. Алмашинув тишлов даврида ортодонтик даволаш олинадиган ва олинмайдиган ортодонтик мосламалар ёрдамида амалга оширилади. Олиб қўйиладиган ортодонтик аппаратлар ўзгарувчан таъсирга эга бўлиб, мунтазам равишда пайдо бўладиган жағларнинг тинч ҳолати босқичи билан тавсифланади, тишларнинг тўлиқ ҳаракатини эмас, балки қия-айланма ҳаракатини келтириб чиқаради, бу кўпинча керакли даволаш таъсирининг бўлмаслиги ёки тез релапсга олиб келади.

Мамлакатимиз ва хорижий ортодонтларнинг тадқиқотларида келтирилишича, олиб қўйиладиган ортодонтик мосламалар катта ҳажмга эга ва тиш қаторларида кўп жой эгаллайди, шунинг натижасида дикцияни ёмонлаштиради. Айрим ҳолатларда пластмассага аллергик реакцияларни келтириб чиқариши мумкин ва боланинг руҳий ҳолатига таъсир этиб, шифокор ва ота-оналар билан ҳамкорлик ёндашувини талаб қилади. Бундан ташқари, у ёки бу ортодонтик мосламаларни тўғри таналаш беморнинг

оғиз бўшлиғи гигиенаси ҳолатига, ортодонтик лабораториянинг имкониятларига ва ортодонтнинг профессионал қобилиятига боғлиқ.

Ҳозирги вақтда ортодонтик даволаш жараёнида профилактиканинг кўпгина принципиал жиҳатлари ҳанузгача тўлиқ ўз ечимини топмаган. Ортодонтияда чуқур фторлаш усулини қўллаш ҳақидаги маълумотлар мавжуд эмас. Ортодонтик даволаш жараёнида каппалар ёрдамида тиш эмали резистентлиги ва реминерализацияловчи воситалар самарадорлигини баҳолаш масалалари етарлича очиб берилмаган. Шу боисдан болалар орасида ортодонтик даволаш жараёнида профилактик чоратадбирларни мукаммаллаштириш долзарб вазифалардан биридир.

Юқори жағ протрузияларини цефалометрик текширувларда жағ ва бошнинг қуйидаги бурчакларини аниқлаш лозим: SGo/NMe бош суягининг юз қисмининг орқа ва олдинги баландликларининг нисбати; пастки жағ танаси текислигининг бош суяги олдинги қисми текислигига туташувчи бурчаги ($<ML - NSL$); учта бурчаклар йиғиндиси ($<NSAr + <SarGo + <ArGoMe$); пастки жағнинг ташқи гонион бурчаги ($<NGoMe$); Ricketts ($<NBa / PtGn$) бўйича юз бурчаги; юқори ва пастки жағ текисликлараро бурчак ($<NL / ML$).

Юқори жағ протрузияларини цефалометрик таҳлилда жағларнинг ўсиш тенденциясини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу текширув усули беморларнинг балоғат ёшига етгунига қадар ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Юқори жағ протрузияларини билан касалланган бемор болаларни ортодонтик даволаш учун мослама танлашда жағларнинг ўсиш типи ўрганилганда $<ML-NSL$ горизонтал $17-27^\circ$, нейтрал ҳолатда $29-35^\circ$, вертикал ҳолати $37-47^\circ$, SGo/NMe (%) горизонтал $75-67^\circ$, нейтрал ҳолатда $62-65^\circ$, вертикал ҳолати $58-50^\circ$, $<NL/ML$ горизонтал $13-23^\circ$, нейтрал ҳолатда $25-31^\circ$, вертикал ҳолати $33-43^\circ$, NgoMe горизонтал $62-68^\circ$, нейтрал ҳолатда $70-76^\circ$, вертикал ҳолати $76-86^\circ$, NBa/PtGn ($^\circ$) горизонтал $99-93^\circ$, нейтрал ҳолатда $92-89^\circ$, вертикал ҳолати $87-81^\circ$, Sum<Vjork горизонтал $381-391^\circ$, нейтрал ҳолатда $391-399^\circ$, вертикал ҳолати $401-411^\circ$ гача ўзгаришлари аниқланди. Текширув олиб борилган баъзи гуруҳ беморларимизда $<ML-NSL$ ва $<NL/ML$ даги юқори даражадаги ўсишлар кузатилди.

Шунингдек, жағлар нейтрал, вертикал, горизонтал йўналишлардаги ўсишига қараб қўлладиган ортодонтик мосламалар бурчаклари эътиборга олиниб, даволаш давомийлиги ҳисобга олган ҳолатда тавсия этилди. Шунингдек, ушбу ортодонтик мосламаларни қўллаш орқали жағларнинг бир текислик ўсишига эришилди [1.3.5.7.9.11.13].

Текширилган беморларда ТРГ ён профилида Шпее сагиттал эгрилигига мос бўлган бир неча турлича радиусдаги айланалардан ҳосил бўлган ўлчов мосламасини коррелометрни ихтиро қилган. Ўлчов асбоби билан профил ТРГ да юқориги биринчи премолярни мезиодистал йўналишдаги турғун позиясини аниқлайди. Коррелометрда белгиланган Ge нуқтадан (чайнов маркази) яъни пастки жағ симфизининг ичкариги энг бўртиқ жойи **Sm (Me)** нуқтасига тўғри чизик чизилади. Бу чизик “стресс ўқ” деб номланади. Ортогнатик тишловда мазкур ўқ юқориги биринчи премолярнинг марказий вертикал ўқи билан бўйма – бўй туташган ҳолда бўлади. Биринчи премоляр

стресс ўқидан орқада жойлашса “ретропозиция” олдинда жойлашса “антропозиция” бўлади.

Юқори жағ протрузияларини цефалометрик ташхислаш ва самарали даволаш муҳим аҳамиятга эга. Эрта ёшли беморларда мезиал окклюзиянинг гнатик шакллари тиш-жағ ажратиш қийинчилик туғдирди. Жағларнинг фаол ўсиши, тишларнинг ўзгариши билан боғлиқ тиш-жағ тизимдаги ўзгаришлар ташхисни қийинлаштиради. Мезиал окклюзиянинг гнатик шакллари аниқлашнинг асосий усули - бу латерал қисми цефалометрик таҳлили ҳисобланади. Цефалометрик таҳлил натижаларини сифатли баҳолаш (таҳлилнинг биринчи босқичи): қуйидаги мезонлар қабул қилинди: ёш нормаларига мувофиқ тиш чиқариш тартиби ва кетма-кетлигини бузилиш, юқори жағда: тишларнинг йўқлиги, рудиментларнинг дистопияси, вақтинчалик тишларнинг анкилози, тор апикал асоснинг белгилари (доимий қозиқ тишларининг яқинлашиши). Пастки жағ: тишлар ўртасида трема ҳамда пастки жағдаги тишларнинг рудиментлари, пастки жағнинг бурчакларининг ортиши, пастки жағнинг шохларини қисқартириш. Ҳар бир маркерга ҳар бир жағда жамланган 1 балл берилди.

Иккинчи гуруҳдаги беморларда мезиал окклюзия 45% ҳолларда, юқори жағда апикал асоснинг торайишининг рентгенологик белгилари кузатилган, бу доимий қозиқ тишларнинг бирлашиши билан кўрсатилган, бу эса кам ривожланганлигини кўрсатади. юқори жағ.

Ушбу гуруҳлардаги беморларни ортодонтик даволашнинг технологик жараёни аномалиянинг гнатик шакллариининг дастлабки белгиларининг мавжудлиги ёки йўқлиги билан баҳоланди. Панорамик рентгенографияга кўра, жағнинг номутаносиблиги белгиларини кўрсатган болалар – 23 нафарни ташкил этди. Индивидуал ортодонтик мосламалар, масалан, юқори жағни чўзиш учун юз ниқоби, винтли (17 нафар) ва I-3 функционал трейнири (6 нафар) беморларда юқори жағ тишларнинг кенгайтириш учун ишлатилган. Даволашда қўлланиладиган ортодонтик мосламалар юқори жағнинг ретрогнатияси даражасига, беморнинг ёшига, боланинг психологик хусусиятларига ва бошқа ўзига хос хусусиятлари асосида танлаб қўйилди.

Хулоса. Болаларда функционал бузилишларни ҳамда тиш-жағ деформацияларни эрта аниқлаш ва ташхислашда бемор болаларни объектив, субъектив ҳамда стоматологик текширув усуллари (Долгополова, Тонн, Снагина, Герлах, Танака - Жонсон усуллари) шу билан бирга антропометрик усуллар ҳамда оғиз ичи сканерлаш қолип олиш, фотометрик ва CAD/CAM технологияси билан Экзосад дастури орқали текширувлар ўтказилди. Юқори жағ протрузияларининг турли ёшли беморларда тарқалишининг қиёсий ташхислашда Злодник таснифига асосан беморларни жағларнинг жипслашув ҳолатига асосан сут тишлар прикус даврида 4 ёшдан 6 ёшгача бўлган 28 нафар бемор болаларда Долгополова усулида текширув олиб борилди. Алмашинув прикус даврида 7 ёшдан 13 ёшгача бўлган 89 нафар бемор болаларда Коркхаус, Тонн, Снагина, Танака - Жонсон усуллари ҳамда ТРГ ён проекцияси, оғиз ичи сканерлаш қолип олиш, фотометрик ва CAD/CAM технологияси билан Экзосад дастурида натижалар таҳлил қилинди. Доимий тишлар прикус даврида 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган 67 нафар бемор болаларда Коркхаус, Тонн, Пон – Линдер –

Харт, Герлах, Снагина ҳамда ТРГ ён проекцияси, оғиз ичи сканерлаш қолип олиш, фотометрик ва CAD/CAM технологияси билан Экзосад дастури орқали текширувлар олиб борилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдукадыров Д. А. Синдром длинного лица. Распространенность, клинико-рентгенологические проявления, терминология и классификации (Обзор литературы) / Д. А. Абдукадыров, А. Абдукадыров, С. Н. Максудов // Stomatologiya. - Ташкент, 2016. - Том 63-64 N2-3. - С. 139-148.

2. Байрамукова Л.А. Диагностика дистальной окклюзии зубных рядов в детском возрасте с помощью современных методов исследования / Л.А. Байрамукова, С.М. Савельева // Неделя науки – 2019. - С. 562-563.

3. Fozilov Uktam Abdurazakovich. The role and importance of obturators in the optimization of the treatment of dental caries // European Journal of Research Development and Sustainability (EJRDS) Available Online at: <https://www.scholarzest.com> - vol. 2 No. 6, June -2021 ISSN: 2660-5570. -P.84-86 (**Impact Factor:** 7.455)

4. Fozilov Uktam Abdurazakovich. Clinical-diagnostical characteristics of development of caries in children in orthodontic treatment with disclosed and restricted equipment // Central asian journal of medical and natural sciences. – Jan-Feb 2021. Vol. 02, issue 01. | ISSN: 2660-4159 -P. 15-19 (**Impact Factor:** 6.754)

5. Муртазаев С.С. Антропометрические и рентгеноцефалометрические показатели челюстно –лицевой области у представителей узбекской популяции и их клиническое применение (Автореферат DSc) // Ташкент. – 2017 г. – С. 28.

6. Uktam Abdurazakovich Fozilov. Prevention of caries development during orthodontic treatment. // World Bulletin of Social Sciences (WBSS) Available Online at: <https://www.scholarexpress.net> .- October- 2021. vol. 3, ISSN: 2749-361X -P. 61-66 (**Impact Factor:** 7.545)

7. Fozilov Uktam Abdurazakovich. Improvement of Early Diagnosis and Orthodontic Treatment in Children with Dental Anomalies and Deformations. // American Journal of Medicine and Medical Sciences .-2022, №12(5): 554-557 DOI: 10.5923/j.ajmms.20221205.20. - P. 555-557

8. Fozilov Uktam Abdurazzokovich., Olimov Sidik Sharifovich. Early Detection, Treatment And Rehabilitation Management Of Dental And Maxillary Anomalies And Deformation In Children Of Early Age // Journal of Pharmaceutical Negative Results 2022- ISSN: Print -0976-9234. -vol. 13 SPECIAL ISSUE 09 (2022) 11-06. P.1168-1172 (Scopus)

9. Олимов С.Ш., Гаффаров С.А., Ахмадалиев Н.Н., Ахмедов А.Б. Влияние экологических факторов на состояние тканей пародонта у школьников. Журнал «Экология и развитие общества» Санкт-Петербург 2014г. 182-184 стр.

10. Персин, Л.С. Формирование корней постоянных зубов и ортодонтическое лечение / Л.С. Персин, Ю.Н. Кротова, Н.В. Панкратова, Н.В. Максимов [и др.] // Сб. науч.-практ. материалов «Достижения ортодонтии, ортопедической и общей стоматологии по специальности и ее преподаванию». - М., 2017. - С. 202-206.

11. Постников, М.А. Комплексная оценка функционального состояния зубочелюстной системы у детей с различными аномалиями окклюзии, осложненными адентией (обзор литературы) / Постников М.А., Картунова Е.О., Испанова С.Н. // Институт стоматологии. – 2020. – № 1 (86). – С.88-91

12. Fozilov Uktam Abdurazzoqovich. Modern Methods Of Treating Severe Pathologies Through The Diagnosis Of Tooth-Jawformations In Early-Aged Children. // Journal of Advanced Zoology ISSN: 0253-7214. -vol 44 Issue S-5 Year 2023.- P. 293-300 (Scopus)

13. Fozilov U.A, Olimov S.Sh. Improving The Treatment of Abnormal Bite Caused by Severe Damage To The Jaw. // Journal of Advanced Zoology ISSN: 0253-7214 -vol 44 Issue S-5 Year 2023 - P.370-378 (Scopus)

14. Zaiats O.R. Morphometric analysis of maxillary tubercles in children to denermine the possibility of their use as a support for distalization / Zaiats O.R., Ozhogan Z.R., Ozhogan I.A. // Свгг медицины та бюлоги. - 2020. - Т. 16. № 3 (73). - С. 179-183.

